



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ ҲАОЛИЯТИДАГИ ИШТИРОКИ.

Баҳромжон Бахтиёрович Турғунбаев

ИИБ Малака ошириш институти, Юридик кафедра ўқитувчиси.

Аннотация: *Ушбу мақола ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва жиноятчиликка қарши кураш эса бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.*

Калит сўзлар: *ижтимоий профилактика, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар, ёшлар, ижтимоий ходим, солиқ инспектори.*

Аннотация: *Данная статья является одной из актуальных задач сегодняшнего осуществления профилактики правонарушений и борьбы с преступностью.*

Ключевые слова: *социальная профилактика, председатель махалли, помощник хокима, женщины, молодежь, социальный работник, налоговый инспектор.*

Annotasia: *This article is one of the urgent tasks of today's implementation of the prevention of offenses and the fight against crime.*

Keywords: *social prevention, mahalla chairman, assistant khokim, women, youth, social worker, tax inspector.*

Ушбу мақола ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва жиноятчиликка қарши кураш эса бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Жамият ҳар доим ривожланишда бўлганидек, ҳуқуқбузарлик ҳам ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва жиноятларни очиш борасида хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари қолаверса барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштириш давр талабидир.

Шуни алоҳида такидлаш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни жазолашдан афзалдир, яъни ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши натижасида фуқаролар, давлат ва жамият ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар кўради. Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Натижада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш соҳалар бўйича тақсимланди. Бу ўз навбатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тўғри ва самарали ташкил этилиши ва амалга оширилиши имкониятини ошириш билан бир қаторда энг самарали усул ҳуқуқбузарликлар



профилактикасининг бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг ҳамкорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллаларда ижтимоий профилактика Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони билан жорий этилган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан 30.03.2023 йилда қабул қилинган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби бўйича” Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Ижтимоий профилактика – ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёхуд ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Ижтимоий профилактика “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳалла раиси, профилактика (катта) инспектори, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар ўртасида амалга оширилади.

Ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсларга (ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёхуд ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар) қуйидагилар киради:

- бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган, шу жумладан доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар;
- фарзанд тарбиясига бефарқ муносабатда бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар;
- алкогольни, шунингдек психотроп моддаларни ва кишининг ақл-иродасига кучли таъсир этувчи бошқа моддаларни суиистеъмол қилувчи (меъёридан ортиқ ичувчи) хотин-қизлар ва ёшлар;
- қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларга ружу қўйган ёшлар;
- низоли оилалар аъзолари (умумий рўзғор асосида яшовчилар);
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, ижтимоий мослаштиришга муҳтож бўлган шахслар;
- узоқ вақт давомида ўзаро низо ва адоватда бўлиб келаётган шахслар (қўшнилар, қариндошлар ва бошқа шахслар);
- назоратсиз ва қаровсиз қолган 14 дан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар;



– турмушидан ажрашиб, ижтимоий-иқтисодий оғир аҳволга тушиб қолган аёллар;

- ғайриижтимоий хулқ-атворли ёшлар;
- ёлғиз яшовчи аёллар ва қариялар;
- қонуний никоҳсиз яшовчи шахслар;
- судхўрлик билан шуғулланувчи шахслар;
- ғайриижтимоий хулқ-атворли хотин-қизлар.

Маҳалла даражасида ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсларга ижтимоий профилактика чораларини қўллаш бўйича маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ҳамда хотин-қизлар фаолининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Бунда улар ўзи томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар ойда профилактика инспекторига ёзма маълумот тақдим этиб боради.

Ўз навбатида, профилактика (катта) инспектори томонидан мазкур маълумотлар таҳлил қилиниб, маҳалла кесимида умумлаштирилган маълумотлар туман (шаҳар) ИИО ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасига юборилади.

Туман (шаҳар) миқёсида маҳалла раиси, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолининг ижтимоий профилактика соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу борада амалий-услубий ёрдам кўрсатиш туман (шаҳар) ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллалар кесимида ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсларга ижтимоий профилактика чораларини қўллаш борасида амалга оширилаётган ишларга доир маълумотлар келиб тушганидан сўнг, туман (шаҳар) ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ушбу маълумотларни умумлаштирган ҳолда ҳар ойда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар ва зирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаларига юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсларга нисбатан ижтимоий профилактика чораларини қўллаш фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бу борада амалий-услубий ёрдам кўрсатиш тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг, Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий



бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Республика миқёсида ижтимоий профилактика объектларига нисбатан ижтимоий профилактика чораларини қўллаш фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бу борада амалий-услубий ёрдам кўрсатиш тегишлилигига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги томонидан амалга оширилади.

Республика даражасидаги давлат органларининг мазкур йўналишдаги ишлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан ягона ёндашув асосида умумий мувофиқлаштирилади.

Ижтимоий профилактика объектларига нисбатан ижтимоий профилактика чораларини қўллаш фаолиятини мувофиқлаштириш, қонунлар ва қонуности ҳужжатлар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ижтимоий профилактика чора-тадбирларини кўриш вазифаси юклатилган давлат органлари ёки масъул шахсларнинг ўзаро ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар ва ишларни режалаштириш, амалга ошириш ва натижага эришишга қаратилган ҳаракатларини тизимли, биргаликда ва уйғунликда олиб борилишини йўналтириш ҳисобланади.

Мувофиқлаштириш ижтимоий профилактика чора-тадбирларини кўриш вазифалари юклатилган давлат органлари ёки масъул шахслардан ҳисоботлар олиш, улар фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, мониторинг ўтказиш ва бу борада амалий-услубий ёрдам кўрсатиш каби шаклларда амалга оширилади.

Профилактика инспектори ижтимоий профилактика объекти бўлган шахслар юзасидан маълумотларни таҳлил қилиб, уларнинг турмуш-тарзи ва ҳуқ-атворини ўрганиб, амалга оширилган бирламчи профилактик ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари самара бермаётганлиги тўғрисида тўхтамга келганида, улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш мақсадида ҳар бир шахс бўйича Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги асослантирилган ҳулосани камида икки нусхада тузади.

“Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёхуд ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар бўйича тузилган ҳулосаларни қайд этиш журнали”да рўйхатга олади.

Ҳулосани тузувчининг лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми, ўрганишлар жараёнида муаммоси мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар, жумладан ўрганиш жараёнида иш билан банд бўлган



бўлмаганлиги, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга муҳтожлиги ёки муҳтож эмаслиги, турмуш тарзига аҳволи, келгусида салбий ҳолатлар содир этиши мумкин ёки йўқлиги, унга ҳуқуқий, моддий, ижтимоий кўмак кўрсатиш зарурияти бор ёки йўқлиги, шунингдек ижтимоий профилактика чораларини қўллаш асослари тўлиқ кўрсатилади.

Шунингдек, профилактика инспектори рўйхатга олинган хулосанинг нусхасини уч кунлик муддат ичида тегишли журналга имзо қўйдирган ҳолда қуйидагиларга тегишлилиги бўйича якка тартибдаги профилактик чоратадбирларни манзилли амалга ошириш (кўмаклашиш) учун тақдим этади:

1) маҳалла раисига:

- низоли оилалар аъзолари (умумий рўзғор асосида яшовчилар);
- узоқ вақт давомида ўзаро низо ва адоватда бўлиб келаётган шахслар (қўшнилар, қариндошлар ва бошқа шахслар);
- ёлғиз яшовчи қариялар;
- фарзанд тарбиясига бефарқ муносабатда бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар;
- судхўрлик билан шуғулланувчи шахслар;
- қонуний никоҳсиз яшовчи шахслар;

2) ҳоким ёрдамчисига:

- бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган, шу жумладан доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар;
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, ижтимоий мослаштиришга муҳтож бўлган шахслар;
- турмушидан ажрашиб, ижтимоий-иқтисодий оғир аҳволга тушиб қолган аёллар;

3) хотин-қизлар фаолига:

- алкогольни, шунингдек психотроп моддаларни ва кишининг ақл-иродасига кучли таъсир этувчи бошқа моддаларни суиистеъмол қилувчи (меъёридан ортиқ ичувчи) хотин-қизлар;
- низоли оилаларда яшовчи хотин-қизлар (умумий рўзғор асосида яшовчилар);
- турмушидан ажрашиб, ижтимоий-иқтисодий оғир аҳволга тушиб қолган аёллар;
- ёлғиз яшовчи аёллар;
- қонуний никоҳсиз яшовчи аёллар;
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, ижтимоий мослаштиришга муҳтож бўлган аёллар;
- назоратсиз ва қаровсиз қолган 14 дан 18 ёшгача бўлган қизлар;
- ғайриижтимоий хулқ-атворли хотин-қизлар;
- судхўрлик билан шуғулланувчи аёллар;



4) ёшлар етакчисига:

- алкогольни, шунингдек психотроп моддаларни ва кишининг ақл-иродасига кучли таъсир этувчи бошқа моддаларни суиистеъмол қилувчи (меъёридан ортиқ ичувчи) ёшлар;
- бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган, шу жумладан доимий даромад манбаига эга бўлмаган ёшлар;
- қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларга ружу қўйган ёшлар;
- назоратсиз ва қаровсиз қолган 14 дан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар;
- ғайриижтимоий хулқ-атворли ёшлар;
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, ижтимоий мослаштиришга муҳтож бўлган ёшлар.

5) Профилактика инспектори:

Маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишга масъул бўлади.

6) Ижтимоий ходими:

Оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларни аниқлаш, уларнинг эҳтиёжларига қараб, комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ёрдамларни ташкил этишга масъул бўлади.

7) Солиқ инспектори:

Тадбиркорларга солиқ хизматларини кўрсатиш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантиришга масъул бўлади.

Ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс икки ёки ундан ортиқ тоифага мансуб бўлган ҳолатда профилактика инспектори ушбу шахс бўйича битта хулоса тузади ҳамда хулосанинг нусхаларини тааллуқлилиги бўйича маҳалланинг тегишли масъул ходимларига тақдим этади.

Маҳалланинг тегишли масъул ходимига ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс бўйича хулосани тақдим этиш профилактика инспекторини келгусида ушбу шахс билан профилактик ишларни олиб бориш мажбуриятидан озод қилмайди.

Профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш заруратини инобатга олган ҳолда ғайриижтимоий ёки жиноятларнинг эҳтимолий жабрланувчиси бўлиши мумкин бўлган бошқа шахсларга нисбатан ҳам хулоса тузиши ва унинг нусхасини юқорида кўрсатилган муддатда ва тартибда ижтимоий профилактика чораларини қўллаш учун тегишлилиги бўйича маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолига тақдим этиши мумкин.

Хулосани қабул қилиб олган маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси шу куннинг ўзида ижтимоий профилактика



объекти бўлган шахс билан якка тартибда манзилли ишлаш бўйича алоҳида йиғма жилд юритади.

Йиғма жилдлар юритилиши ҳолати бўйича маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси ўзи томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда профилактика инспекторига маълумот тақдим этади.

Маҳалланинг тегишли масъул ходимиға ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс бўйича хулосани тақдим этиш профилактика инспекторини келгусида ушбу шахс билан профилактик ишларни олиб бориш мажбуриятидан озод қилмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, якка тартибдаги профилактик чоратadbирларни манзилли ташкил этиш учун йўналтирилган ижтимоий профилактика объекти бўлган шахслар билан профилактика (катта) инспектори томонидан муқаддам ҳеч қандай профилактик ишлар ташкил этилмаган бўлса, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли ижтимоий профилактикани амалга оширишни рад этиши мумкин. Бунда ижтимоий профилактикани амалга оширишни рад этилганлиги тўғрисида улар томонидан асослантирилган хулоса тузилиши лозим бўлади.

Рад этилган ҳолат юзасидан профилактика инспектори томонидан профилактик ишларни олиб бориб, имкон қадар тезроқ муддатда такроран хулоса билан тегишли ижтимоий профилактика субъектига тақдим этади.

Бунда такрорий хулосани қабул қилиб олган маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси шу куннинг ўзида ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсга нисбатан якка тартибда манзилли ишлаш бўйича алоҳида йиғма жилд юритиши, уч кунлик муддатда якка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастурини тузиши ҳамда дастурда белгиланган таadbирларни зудлик билан амалга оширишга киришиши лозим бўлади.

Ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсларни ижтимоий мослаштириш тартиби.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси уч кунлик муддатда ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс билан ишлаш бўйича якка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастурини тузади.

Юқоридаги ижтимоий профилактика субъектлари профилактика (катта) инспекторидан ижтимоий профилактика объекти бўлган шахслар бўйича хулоса келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида дастурни “Е-жамоат хавфсизлиги” ахборот тизимида сектор раҳбари билан келишувдан ўтказиб, туман (шаҳар) ҳокимиға тасдиқлатиш учун юборади.

Туман (шаҳар) ҳокими тасдиқлаш учун киритилган ижтимоий мослаштириш дастурини кўриб чиқиб, беш кун ичида тасдиқлайди.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ижтимоий мослаштириш дастурида белгиланган таadbирларнинг бажарилиши



бўйича маълумотларни мунтазам равишда “Е-jamoat xavfsizligi” ахборот тизимининг “Ижтимоий профилактика” модулига киритиб боради.

“Е-jamoat xavfsizligi” ахборот тизимининг “Ижтимоий профилактика” модулига киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун уларни киритган шахс шахсан жавобгар ҳисобланади.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси ҳар ой якунида ижтимоий мослаштириш дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши бўйича “Е-jamoat xavfsizligi” ахборот тизимининг “Ижтимоий профилактика” модули орқали профилактика (катта) инспекторига маълумот тақдим этиб боради.

Юқорида қайд этилган ахборот тизимининг “Ижтимоий профилактика” модулида ижтимоий мослаштириш дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш:

ҳар ой якунида – туман (шаҳар) мағаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўлими, оила ва хотин-қизлар бўлими, ёшлар ишлари бўлими томонидан;

ҳар чорак якунида – Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мағаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармалари, оила ва хотин-қизлар бошқармалари, ёшлар ишлари бошқармалари томонидан;

ҳар йил якунида – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Мағаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги томонидан амалга оширилади.

“Е-jamoat xavfsizligi” ахборот тизимининг “Ижтимоий профилактика” модулига киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ҳар йил якуни бўйича юқорида қайд этилган давлат органларининг масъул шахслари томонидан бевосита жойларга чиққан ҳолда ўрганиб борилади.

Ижтимоий профилактика субъекти (профилактика инспектори) тегишлилиги бўйича ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсларга нисбатан якка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастури доирасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

Профилактика инспектори ваколати доирасида бириктирилган шахслар билан якка тартибда ишлаш соҳасида самарадорликни ошириш мақсадида қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Профилактика (катта) инспектори томонидан маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича юритиладиган ҳужжатлар:

Профилактика (катта) инспектори томонидан ўтказиладиган ижтимоий профилактика тадбирлари юзасидан:



– ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс билан профилактик суҳбат ўтказилганлиги ҳақида далолатнома (маълумотнома);

– ижтимоий профилактика объекти бўлган шахснинг турмуш тарзини ўрганилганлиги ҳақида далолатнома (маълумотнома);

– маҳалла раисидан ҳамда таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлардан ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс ва унинг оила аъзолари ҳақида олинган маълумотлар;

– ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс тўғрисида тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотлар;

– ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсни мажбурий даволанишга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ижтимоий профилактика объектига оид маълумотлар юзасидан ижтимоий профилактика чораларини қўллаш юзасидан:

– Ижтимоий профилактика объектига оид маълумотлар юзасидан ижтимоий профилактика чораларини қўллаш тўғрисида тузилган хулоса.

ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни ижтимоий мослаштириш тадбирларини яқунлаш юзасидан:

– Ижтимоий профилактика объектларига нисбатан ижтимоий мослаштириш тадбирларини яқунлаш ҳақида маҳалла раиси билан тузилган қўшма хулоса.

Ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсларни ижтимоий мослаштириш тадбирларини яқунлаш тартиби.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси яқка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастурида белгиланган тадбирларни тўлиқ бажариб, ижобий натижага эришганидан сўнг ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсга нисбатан ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини яқунлаш ҳақида профилактика инспектори билан қўшма хулоса тузади.

Демак, ижтимоий профилактикани амалга оширувчи субъектлар қуйидаги ҳолатларда ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсларга нисбатан ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини яқунлаш ҳақида профилактика инспектори билан қўшма хулоса тузади:

– ижтимоий мослаштириш дастурида белгиланган тадбирлар тўлиқ бажарилиб, ижобий натижага эришилган тақдирда;

– ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс озодликдан маҳрум этилганда;

– ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс вафот этганда;

– ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс доимий яшаш учун чет давлатга кўчиб кетганда.

Ижтимоий мослаштириш тадбирлари ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс узоқ муддатга хорижий давлатга кетганида вақтинчалик тўхтатиб



турилади ва қайтганидан сўнг тикланиб, якунланиши ёки давом эттирилиши мумкин.

Ижтимоий профилактика объекти бўлган шахс мамлакат ичида доимий яшаш учун кўчганида ҳужжатлар ушбу ҳудудга ўтказилади.

Ижтимоий профилактика объекти бўлган шахсларга нисбатан ижтимоий мослаштириш тадбирларини якунлаш ҳақида қўшма хулосага мувофиқ, туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўлими, оила ва хотин-қизлар бўлими, ёшлар ишлари бўлими томонидан зудлик билан ижтимоий мослаштириш дастурининг ижроси устидан назорат якунланади.

Чораклик ва ярим йиллик муҳокамалар якунига кўра, ижтимоий профилактика соҳасидаги фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, маҳалла раиси, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчисига нисбатан ўрнатилган тартибда рағбатлантириш ёки интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Бириктирилган тоифадаги шахс томонидан оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган тақдирда “маҳаллабай” жиноят муҳокамаси жараёнида сектор раҳбарлари томонидан тегишлилигига кўра маҳалла раиси, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчисининг якка тартибдаги ижтимоий профилактика фаолияти танқидий кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги бўлинмаларига тақдимнома киритилади.

Ижобий натижаларга эришган ижтимоий профилактика субъекти хусусан, профилактика инспектори Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаментининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ҳар чорак якуни бўйича пул мукофоти билан рағбатлантирилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, профилактик фаолият билан шуғулланадиган ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш, жиноят содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва ўз ҳудудида уларни бартараф этиш ҳисобланади. Профилактика инспекторлари ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, ташкилот, корхоналарни ноқонуний ҳаракатлардан сақлайди, унинг барча хатти-ҳаракатлари қонун доирасида амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар профилактикасини тўғри ташкил этиш ҳамда унга йўл қўймаслик борасида профилактик ишларни ташкил этишда қуйидаги босқичлар орқали зарур тадбирлар амалга оширилади: ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларини таҳлил қилиш; профилактик тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишни режалаштириш; профилактик фаолият олиб боришда иштирок этувчи



шахсларнинг ишларини мувофиқлаштириш; режалаштирилган, мақсад қилиб қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва олинган натижаларни психологик таҳлил қилиш.

Бу борада ички ишлар органлари тизимида қонун нормалари талабларини тўғри тушуниш, қолаверса, назарияда мавжуд бўлган тушунчалар, илмий қоидаларни ўрганиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг моҳиятини англаб етиш, биринчи даражали вазифага айланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сон Қарори;